

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА «АВЕСТО» МАНБА СИФАТИДА

Гаффоров Ш., СамДУ профессори

Қадимги тарихимизда бобокалонларимиз яшаган юртда кечган ижтимоий-маданий ҳаёт, одамлар турмуш тарзи ва дунёқараши, маънавий жараён тамойиллари ҳақида мустақилликка эришгунга қадар жуда кўп тахминий, сохта ва ғайриилмий гаплар айтилар, фақат археологларнинг инкор этиб бўлмас даражадаги тарихий топилмаларигина кўнгилга таскин бериб, ўтмиш даврларнинг қоронғу саҳифаларини ёрита бошлаган эди.

Мустақиллик туфайли юртимизда қадим-қадим замонларда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётни атрофлича таҳлил этиш ва ўрганиш имконияти вужудга келди.

«Энг мўътабар, қадимги кўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига уч минг йил бўляпти» - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, тарихчи олимлар билан учрашувда, - бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадимий ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди».

Бу сўзларнинг тарихий ҳақиқатлиги дунёнинг кўплаб атоқли алломалари олиб борган илмий изланишлар ва тадқиқотларда аниқ-равшан исботлаб берилган.

Хоразм воҳасида топилган қўхна шаҳар ва қалъаларнинг қолдиқлари ҳам оташпарастлик дини – зардуштийликнинг асл Ватани бизнинг диёримиз эканини, демакки, «Авесто» бошқа бирор минтақада яратилган бўлиши мумкин эмаслигидан шаҳодат бериб турибди.

Албатта, ҳар бир бебаҳо ёдгорлик, моддий ва маънавий бойлик каби ушбу мўътабар китоб ҳам ёвларнинг ғоратидан бебаҳра қолмаган.

Дастлаб уни аҳамонийлар мусодара этишган, ўзларининг китобига айлантиришга уринган бўлсалар, Александр Македонский унинг бешдан уч қисмини куйдириб юборган.

Охир-оқибат унинг она тилимиздаги нусхаси эмас, балки сосонийлар подшоси Шопур I даврида тузилган нусхаси бизгача етиб келган.

Уч минг йил олдин Хоразм воҳасида ҳалқнинг тўсатдан пайдо бўлиши ва оёғи ерга тегар-тегмас кўлига қалам олиб, сўз яратиб, имло яратиб, «ўн икки минг қорамолнинг терисига» жо бўладиган маънавий-маърифий, ахлоқий қомусни яратиши ақлга сиғадиган ҳодиса эмас.

Инсон боласининг тафаккури юксак даражага кўтарилган, илм-фан барқ уриб ривожланган бугунги даврда жисмоний ва руҳий соғлом кимсанинг оддийгина бир хунарни мукамал эгаллаш учун йиллар керак бўлади.

У қунт ва ҳафсала билан, тер тўкиб, заҳмат чекиб, бирорта устоздан касб сирларини ўрганиши даркор.

Халқимизнинг дунёга Аҳмад ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари даҳоларни бериши учун неча-неча юз йиллар керак бўлгани ҳам яхши маълум.

Шу нуқтаи назардан олганда, жаҳонда тенги йўқ дурдона – «Авесто»нинг муаллифи Зардушт ёки Зарадуштра саналса-да, аслида бу китоб тили, диний эътиқоди, урф-одати, қадриятлари, орзу-умидлари ва интилишлари битта бўлган, Турон кенгликларида умргузаронлик қилган ягона халқнинг неча-неча минг йиллик тажрибаси, ҳаётдан олган сабоқлари, жамланган маърифий-фалсафий хулосасининг сўзга, фикрга айланиб, яхлит ҳолга келтирилган шаклидир.

Агар илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, ахборот алмашишининг энг тезкор ва қулай воситаларидан баҳраманд бўлган, биз ХХІ асрнинг вакиллари ўзимизнинг имкониятларимизни бундан беш-ўн минг йил муқаддам яшаган аجدодларимизнинг имконияти, турмуш шароити билан солиштириб кўрадиган бўлсак, ақл бовар қилмайдиган тафовутни кўрамиз.

Ахборот ниҳоятда тақчил, мамлакатларнинг, шаҳарларнинг ораси қарвонларнинг қадами билан ўлчанганда бир неча ойлик масофа бўлган ўша даврдаёқ шунақа улуг китобни битишга қодир бўлган халқнинг тарихи нақадар теран, турмуш даражаси юксак, мушоҳада қобилияти кучли бўлганини кўрсатади.

Дарёга тўр ташлаб, илинганига қаноат қилган, қорамол подаси ёки қўй сурувининг ортидан ярим яланғоч ҳолда «ҳай-ҳай»лаб юрган, ғорлар қўнжида кун кечирган ярим ваҳший оломон эмас, балки, бир неча ўн минг йиллик тарихга эга бўлган, ўтроқ турмуш кечирган, тирикчилик учун зарур ҳунарларни эгаллаган, уй-рўзғор асбобларини яратган, тақир чўлларга сув чиқаришнинг уддасидан чиққан, оқар сувдан омилкорлик билан фойдаланган, ҳосилдор далалар, боғлар барпо этган, шаҳарлар қурган, ўзининг бошқарув ва давлатчилик тизимига, миллий қадриятларга эга бўлган, табиат ва ҳаёт ҳодисаларига, ижтимоий-сиёсий воқеаларга ўз нуқтаи назаридан баҳо беришга қобил ва қодир, айниқса, инсоннинг заминдаги бурчини ва ўрнини чуқур англаган, тафаккури теран, иймони бақувват халқ, миллатгина «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган қонидани турмушининг бош шиори қилиб белгилай олади ва уни амалга оширишнинг уддасидан чиқа олади, «Авесто»дек буюк асар яратган.

Бир сўз билан айтганда, бундай шоҳ асарни ёзган халқнинг маънавий-маданий савияси ниҳоятда юксак, тафаккур ва мушоҳада олами кенг, сўз бойлиги беадад, ижодий маҳорати ва мантиқий мулоҳаза қобилияти баланд бўлиши лозим.

Бу омиллар эса ўз замонаси нуқтаи назаридан олганда ҳам ҳар томонлама тараққий топган, миллий яхлитлик ва мустақилликдан қувват олган, элнинг салоҳиятини юксалтириш учун маърифий имкониятларга эга бўлган мамлакатдагина мавжуд бўлади.

Демак, «Авесто» дунёга келган юрт - Хоразм воҳаси ўзбек элининг таянч устунларидан бири неча минг йиллар бурун ана шундай давлатчилик тизимига эга бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998.
2. Аширов А. «Авесто»дан мерос маросимлар. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилик тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. -Т.: Шарқ, 2000.
4. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. -Т.: Шарқ, 2000.